O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ANDIJON VILOYATI ANDIJON TUMAN HOKIMINING QARORI

Kuyganyor shaharchasi, tel, (faks) 74-225-00-97

2022 - yil 28 - fevral 45-1-16-Q/22 Andijon tuman hokimligi

Андижон туманидаги умум фойдаланувдаги автомобиль йўлларига йўл белгилари ўрнатилишига рухсат бериш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 10 апрелдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-348-сонли (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 15-сон, 197-модда; 2015 й., 52-сон, 645-модда) Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 370-сонли (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 3-сон, 23-модда; 2017 й., 36-сон, 958-модда) қарори ижросини таъминлаш, Андижон тумани марказини кесиб ўтувчи автомобиль йўлларида транспорт воситаларинииинг тирбандликлар юзага келишини олдини олиш, пиёдалар ва транспорт воситаларининг ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, Андижон туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонасининг 2021 йил 3 декабрь кунги 170-сонли хатини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6-, 25- моддаларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Андижон туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонасининг 2021 йил 3 декабрь кунги 171-сонли хати маълумот учун қабулқилинсин.

2. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан:

- Андижон туман умум фойдаланувдаги 4Р-116 “Наманган-Уйчи-Андижон” автомобил йўлининг 82 км оралиғида чап томонига 3.27 “Тўхташ тақиқланади” йўл белгиси;

- 4Р-134 “Куйганёр-Э/Хақулобод” автомобил йўлининг 0 км оралиғида ўнг томонига 3.27 “Тўхташ тақиқланади” йўл белгиси;

- 4Р-134 “Куйганёр-Э/Хақулобод ”автомобил йўлининг 0 км оралиғида чап томонига 3.27 “Тўхташтақиқланади” йўл белгиси;

- 4К-77 а “Куйганёр-Найман” автомобил йўлининг 0 км оралиғида чап томонига 3.27 “Тўхташ тақиқланади” йўл белгилари ўрнатишга рухсат берилсин.

- 4К-77 а “Куйганёр-Найман”автомобил йўлининг 0 км оралиғида ўнг томонига 3.27 “Тўхташ тақиқланади” йўл белгиси ўрнатишга рухсат берилсин.

3. Туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси (Н.Долимов)га мазкур йўл белгиларини ўрнатиш вазифаси юклатилсин.

4. Туман Ички ишлар бўлими (Д.Ихволдинов)га ушбу ҳудудда ҳаракатланувчи транспорт воситаларини мазкур йўл белгиларига қатъий риоя қилинишига ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

5. Мазкур қарор оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинган кундан бошлаб қонуний қучга киради.

6. Андижон туман ҳокимлиги матбуот хизмати О.Яқубовага ушбу қарорни “Андижон тонги” газетаси ва туман ҳокимлиги расмий веб сайтига жойлаштириш вазифаси топширилсин.

7. Ушбу қарорни ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари У.Турғунов зиммасига юклатилсин.

Ҳоким **Эгамбердиев.А.Х**